

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВА МОХИГУЛ АЗИМЖОНОВНА

**ТУРЛИ ЭТИОЛОГИЯЛИ ГЕПАТИТЛАРДА ҚИСҚА
ХАЛҚАЛИ ПЕПТИДЛАР УТИЛИЗАЦИЯСИНИНГ
БУЗИЛИШИГА БОҒЛИҚ ХОЛДА ОШҚОЗОН ИЧАК
ТРАКТИ ПАТОЛОГИЯСИНИ ДАВОЛАШ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология
14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Жураева Мохигул Азимжановна

Турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар
утилизациясининг бузилишига боғлиқ холда ошқозон ичак тракти
патологиясини даволаш..... 5

Жураева Мохигул Азимжановна

Лечение патологии желудочно-кишечного тракта при гепатитах
различной этиологии с учетом механизмов нарушения утилизации
короткоцепочных пептидов в печени 27

Zhuraeva Mokhigul Azimzhanovna

Treatment of pathology of digestive tract at hepatitises of various etiology
taking account utilization violation mechanisms of the short chains
peptides in the liver treatment of gastrointestinal pathology in hepatitis of
various in traumatic brain injury 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 58

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВА МОХИГУЛ АЗИМЖАНОВНА

ТУРЛИ ЭТИОЛОГИЯЛИ ГЕПАТИТЛАРДА ҚИСҚА
ХАЛҚАЛИ ПЕПТИДЛАР УТИЛИЗАЦИЯСИНИНГ
БУЗИЛИШИГА БОҒЛИҚ ХОЛДА ОШҚОЗОН ИЧАК
ТРАКТИ ПАТОЛОГИЯСИНИ ДАВОЛАШ

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология
14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ– 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib376 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алейник Владимир Алексеевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зокиров Ёркин Узуевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Азизов Ёркин Хусанович
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Каримов Мирвосид Мирвосикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Доғистон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Д.Усманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жигар касалликлар соғлиқни сақлашда умумбашарий муаммолардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра йилига «...жигар циррозидан 1 млндан ортиқ, жигар саратонидан эса-788000 инсон ҳаётдан кўз юмади. Жигар циррозидан энг юқори ўлим кўрсаткичи қайт қилинган давлатлар қаторига Молдавия, Миср ва Монголия киради. Марказий Осиё, РФ ва Буюк Британияда бу кўрсаткичлар охириги йилларда ўсиб бормоқда. Вирусли гепатити бор инсонларнинг 400 миллион инсон сурункали В гепатит (СГВ) ва 170-200 миллиони эса-сурункали С гепатит (СГС) билан хасталанади...»¹. Бугунги кунда дунёда жигар касалликлари аҳоли орасида тарқалиш кўлами бўйича биринчи ўринда туриши, шунингдек, «...кўплаб ривожланган мамлакатларда ўлимга олиб келувчи сабабнинг ҳар бешинчиси бевосита жигар хасталикларига боғлиқлиги, жигарнинг сурункали касалликлари кўпайишининг кенг тус олиши юрак-қон-томир патологиясининг «эпидемияси»дан кейин «асримизнинг иккинчи эпидемияси» номини олганлиги...»² қатор олимларнинг ишларида қайт қилинган. Сурункали вирусли гепатит касаллигининг ортиб бориши, жигарнинг сурункали касалликлари каби, касаллик аломатларининг узоқ вақт давомида юзада намоён бўлмаслиги билан тавсифланади. Узоқ йиллар давомида бемор ўзини тўлиқ соғлом ҳис қилиши мумкин ёки фақат чарчоқнинг кучайганлигини қайд этади. Сўнгги йигирма йил ичида «...В ва С гепатит вируслари инфекциясининг олдини олиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилишига қарамасдан ўткир гепатит «тарқалишининг камайишига, хавфнинг олдини олишга хизмат қилди, аммо уни бутунлай йўқ қилиш имконини бермади...»³. Турли хил дори-дармонларнинг назоратсиз истеъмол қилиниши билан жигар сурункали касалликларининг доридан келиб чиққан шакллари тез-тез учрамоқда. Жигарнинг бошқа турда аутоиммун, генетик жиҳатдан мувофиқлашган зарарланиши сезиларли даражада кам учрайди. Турли этиологияли гепатитларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларни тадбиқ қилиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тажриба шароитида амалга оширилган ишларда қисқа занжирли пентагастрин ва холецистокинин-8, ҳамда узун занжирли гастрин-17 ва холецистокинин-33 пептидларнинг йўқотиш даражасини, меъда ва меъда ости беши секретор

¹ЖССТнинг 2016 йилги ҳисоботлари

²Климова Е. А., Знойко Н. Н. Вирусные гепатиты: клиника, диагностика, лечение. – ГЭОТАР-Медиа, 2013.- 151 С.

³Betrapally N. S., Gillevet P. M., Bajaj J. S. Changes in the intestinal microbiome and alcoholic and nonalcoholic liver diseases: causes or effects //Gastroenterology.–2016.–V. 150.–№.8.–P.1745-1755

фаолиятини ўзгариши, протеаза трипсин ҳамда унинг ингибиторлари контрикал ва гепариннинг таъсирини баҳолаш механизмини ишлаб чиқаришдан иборат. Синтетик паст молекуляр протеаза ингибиторлари нафамостат ва холецистокинин (ХЦК-1) рецептори антагонистининг – локсиглумид тўрт хлорли углерод (CCl₄) томонидан чақирилган ўткир ости токсик гепатитда меъда ва меъда ости безининг турли функционал фаолияти ўзгаришлари ҳамда жигарнинг қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) утилизацияси даражасига таъсирини каламушларда ўтказиладиган тажрибаларда баҳолашдан иборат. Юқумли ва юқумли бўлмаган гепатитларда меъда ва меъда ости безининг секретор фаолияти ўзгаришларига жигар орқали қисқа занжир пептидлар холецистокинин-8 утилизацияси даражасига таъсирини таҳлил қилиш ва самарали даволаш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли этиологияли жигарнинг сурункали касалликларини асоратларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини такомиллаштиришда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли «Шошилиш тиббий ёрдамини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Research Center for Liver Diseases; Infectious Diseases Society of America; American Association for the Study of Liver Diseases; National Center for Emerging and Zoonotic Infectious Diseases; University of California; University of Oklahoma; National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases (АҚШ), Institute for Liver and Digestive Health, University College London (Буюк Британия), European Association for the Study of the Liver (Германия); International Liver Cancer Association (Бельгия); Instituto de Biomedicina de Sevilla (Испания), University of Genoa (Италия), University of Messina (Италия), Institute of Gastroenterology, Nutrition and Liver Diseases (Исроил); University of Saskatchewan (Канада), University of Turku (Туркия), University of Otago (Янги Зеландия), Vrijet University of Brussel (Белгия), University of Cairo (Миср), Sanjay Gandhi Postgraduate Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон), University of Medical Sciences (Эрон), Department of Internal Medicine (Тайван), Тошкент тиббиёт академияси ва Андижон давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Турли этиологияли гепатитларда қисқа занжирли пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда меъда ва меъда ости беши секрециясини бузилиши патологияси ва олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган: жигарнинг портал қон оқими орқали ичак микроблари жигар циррози ва сурункали гепатитларда меъда–ичак тизимида ўзгаришлар натижасида юзага келиши исботланган (University of Greater Greece, University of La Sapienza, Италия; University of Novi Sad, Сербия); темир танқислик камқонлик касаллиги ва бошқа ошқозон-ичак касалликларнинг жигар касалликларнинг ривожланишидаги ўрни асосланган (University of Frankfurt, Германия); ДНК асосида ишланган микрочиплар ёрдамида қондаги бактерияларни тезкор аниқлаш механизми ишлаб чиқилган (University of Helsinki, Финляндия); вирусли гепатитнинг тарқалиш сабаблари, механизмлари, олдини олишнинг замонавий усуллари очиб берилган Division of Gastroenterology and Hepatology, University of Colorado

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.aasld.org, www.hSDL.org, www.ou.edu, www.niddk.nih.gov, www.ucl.ac.uk, www.easl.eu, www.ilca-online.org, www.ibis-sevilla.es, www.unige.it, www.unime.it, www.schneider.org.il, www.usask.ca, www.utu.fi, www.otago.ac.nz, www.vub.ac.be, www.cu.edu.eg, www.sgggi.ac.in, www.en.tums.ac.ir, www.med.ntuh.gov.tw, www.tma.uz, www.adti.uz сайтлар асосида иш лаб чиқилган.

Health Sciences Center; Department of Medicine, University of Florida, Department of Clinical Medicine University of California (AQSH); Осиё ва Тинч Океани минтақаларида истиқомат қилаётган аҳоли орасида алкохол, чекиш ва диабет касалликлари билан биргаликда атроф-муҳит омилларнинг ошқозон ичак ва жигар саратонини ривожланишидаги ўрни исботланган University of Icheon, University of Gachon, University of Seongnam (Жанубий Корея); С гепатитнинг сурункали шаклларида генлар полиморфизмида клиник кечишининг янги генетик маркерлари ишлаб чиқилган (Department of Internal Medicine (Taiwan); University of Medical Sciences (Эрон); Instituto de Biomedicina de Sevilla (Испания); С гепатит билан зарарланиш натижасида ошқозон ости беши фаолиятининг бузилиши, цитокинлар экспрессиясининг ўзгариши, инсулин миқдорининг камайишига олиб келиши асосланган University of Otago (Янги Зеландия); вирусли гепатит С тури билан хасталанган беморларда кўриш тизимининг пасайиши ва кўз склерасидаги ўзгаришларнинг келиб чиқиши исботланган Turku University, (Туркия); пестицидларнинг қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилиши натижасида атроф-муҳит объектларнинг ифлосланиши турли этиологиядаги гепатитларнинг, шунингдек, С гепатитнинг ривожланишига шароит яратилиши исботланган Биринчи Москва тиббиёт Университети (Россия Федерацияси); турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилиши механизми исботланган (Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунёда турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини ташхислаш ва даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, юкумли ва юкумли бўлмаган гепатитда қон зардобида меъда функционал фаолиятини ифодаловчи пепсиноген, меъда ости беши функционал фаолиятини баҳоловчи панкреатик амилаза, липазани, шунингдек, жигарнинг утилизация қилишдаги ўзгариш даражасини ифодаловчи қисқа занжир пептидлар холецистокинин-8 ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш; синтетик паст молекуляр протеаза ингибиторлари контрикал ва гепарин, нафамостат ва холецистокинин-1 рецептори антагонистининг–локсиглумид тўрт хлорли углерод (CCl₄) эритмаси томонидан чақирилган ўткир ости токсик гепатитда меъда ва меъда ости бешининг турли функционал фаолияти ўзгаришлари ҳамда жигар орқали қисқа занжир пептидлар–холецистокинин-8 утилизацияси даражасига таъсирини каламушларда ўтказиладиган тажрибалар шароитида асослаш тартибини ишлаб чиқиш; юкумли ва юкумли бўлмаган сурункали гепатитда меъда ва меъда ости беши фаолиятини бузилишида қисқа занжирли пептидлар иштирокининг концептуал патогенетик тизимини ишлаб чиқишни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали жигар касалликларида ошқозон ичак тракти фаолияти бузилишлари, ошқозон ичак тизимининг мотор, эвакуатор ҳамда секретор фаолияти, ҳазм қилиш безлари

фаолиятининг бузилиши ва ичак абсорбцияси ва ўтказувчанлигини бузилиши ўрганилган.(B.A.Aqel, J.S. Scolapio, R.C.Dickson, D.D.Burton, E.P.Bouras, 2005, D.Huynh, E, Kalaitzakis, E.S.Bjornsson, 2008; L.Karlsen, H.Fynne Gronbaek, K.Krogh, 2012; N.Q.Nguyen, 2015). Лекин ушбу ўзгаришларнинг патогенетик механизмлари тушунарсиз ва тўлиқ ўрганилмаган. Баъзи адабиётларда ушбу механизмда ичак пептидларни ишироки борлиги ва жигар уларни метаболизм қила олмаётганлиги ҳақида маълумотлар пайдо бўлмоқда (L.Valentini, T. Schuetz, A.Omar, S.Gläser, E.Kasim et al. 2011; D.Huynh, N.Q.Nguyen, 2015). Охирги йилларда адабиётларда қисқа занжирли пептидларни утилизацияси бузилиши туфайли ошқозон секретор фаолияти регуляцияси, ҳазм қилиш фаолиятининг секретор, мотор ва нейромодулятор фаолиятига жигарни физиологик иштироки ҳақида маълумотлар пайдо бўлмоқда (K.A. Hoffmaster, M.J. Zamek-Glisczynski, G.M, Pollack, K.L Brouwer. 2004; M.Mazaki-Tovi et al. 2012; D.Huynh, N.Q.Nguyen, 2015). Ушбу маълумотлар клиник текширувлардаги натижалар билан биргаликда учраши, кўп миқдордаги ичак пептидларни касалланган жигар утилизация қила олмаслиги кўрсатиб ўтилган (T.Schuetz, A.Omar, S.Gläser, E.Kasim, et al., 2011; M. Mazaki-Tovi et al. 2012; M.A. Akere et al. 2016). Жигар патологияларда циррозда жигар утилизация фаолияти пасаяди, периферик қонда ХЦК-8 кўпаяди ва энцефалопатия белгилари вужудга келади (E. Kalaitzakis, E. Bjornsson, 2008) ҳамда меъда ости беши гиперсекретор синдроми кузатилади (Y.Katakura et al., 2005; Aparisi et al., 2008, R.Bhattacharya et al., 2011). Қисқа занжирли пептидларни периферик қонга кириши чегараланиш механизмлари ҳам мавжуд бўлиб, баъзи қисми орган ичи тўқима ва мембрана протеазалари ёрдамида, бошқа қисми жигарда-портал вена орқали ўтади (K.Hoffmaster K.A, Zamek-Glisczynski M.J, Pollack G.M, Brouwer K.L., 2004). Қисқа занжирли пептидларни жигарда утилизация қилинишининг механизмларидан бири бу инкретирланган ва портал тизимдан жигарга ўтган панкреатик протеазалар (трипсин, химотрипсин) ва PAR-2 рецепторлардир.

Ўзбекистонда сўнгги йигирма йилликда академик Т.О.Даминов, профессорлар Х.Я.Каримовлар бошчилигида атроф-муҳит омиллари таъсирида гепатоцитларнинг мослашувчанлигини шаклланишига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ўзбек аҳолисида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатларини баҳолаш (С.Б.Азимова, 2017); жигар яллиғланиши патогенезида нитрергик ва монооксигеназа тизимини ўзаро функционал боғлиқлиги исботланган (С.А.Сайфуллаева, 2018); бироқ, турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволаш тартиби ўрганилмаган.

Илгари итларда ўтказилган тажрибаларда аниқландики, панкреатик ажралма ва алоҳида трипсинни қисқа занжирли пептидлар билан портал вена ичи юборилганда ошқозон фермент ажратиш фаоллиги пентагастрин таъсирида ва меъда ости беши секрецияси ХЦК-8 таъсирида ортади. Бир вақтнинг ўзида трипсин ва қисқа занжирли пептидлар билан биргаликда

протеаза ингибиторлари контрикал ва гепарин қўлланилиши, ошқозон фермент ажратиш фаолиятини пентагастрин таъсирида ва ошқозон ости беги ХЦК-8 таъсирида пасайтиради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон Давлат тиббиёт институтининг Ф-037 рақамли «Ошқозон ҳазм қилиш безлари фаолиятини бузилиш механизмларида жигардаги протеаза ва протеаза фаоллаштирувчи рецепторлар ўрнини ўрганиш» мавзусидаги фундаментал грант лойиҳаси доирасида бажарилган (2014-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади юқумли ва юқумли бўлмаган гепатитларда ошқозон ичак тракти патологиясида қисқа халқали пептидлар иштирокини ва даволаш усуллари тақомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажриба ҳайвонларида қисқа занжирли пентагастрин ва холецистокинин (ХЦК-8), ҳамда узун занжирли гастрин-17 ва ХЦК-33 пептидларнинг жигарда утилизация даражасига нисбатан меъда ва меъда ости беги секретор фаолияти ўзгаришларини баҳолаш;

тажрибада қисқа занжирли пентагастрин ва холецистокинин (ХЦК-8) пептидларнинг жигарда утилизацияси даражасига протеаза трипсин ҳамда унинг ингибиторлари гепарин ва контрикалнинг меъда ва меъда ости беги секретор фаолиятини ўзгариши бўйича таъсирини баҳолаш;

протеаза ингибиторлари контрикал ва гепариннинг тўрт хлорли углерод (CCl_4) томонидан чақирилган ўткир ости токсик гепатит моделида меъда ва меъда ости бегининг турли функционал фаолияти ўзгаришларида ҳамда жигардан қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) утилизацияси даражасига каламушларда ўтказиладиган тажрибаларда таъсирини таҳлил этиш;

синтетик паст молекуляр протеаза ингибиторлари нафамостат ва холецистокинин (ХЦК-1) рецептори антагонистининг –локсиглумид тўрт хлорли углерод (CCl_4) томонидан чақирилган ўткир ости токсик гепатитда меъда ва меъда ости бегининг турли функционал фаолияти ўзгаришлари ҳамда жигарнинг қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) утилизацияси даражасига таъсирини каламушларда ўтказиладиган тажрибаларда баҳолаш;

юқумли гепатит қайд этилган беморларда қон зардобидида меъда функционал фаолиятини ифодаловчи пепсиноген таркибини, меъда ости беги функционал фаолиятини ифодаловчи панкреатик амилаза, липазани, шунингдек, жигарнинг утилизация қилишдаги ўзгариш даражасини ифодаловчи қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

юқумли бўлмаган гепатитли беморларда қон зардобидида меъда функционал фаолиятини ифодаловчи пепсиноген, меъда ости беги функционал фаолиятини панкреатик амилаза, липазани, шунингдек, жигарнинг утилизация қилишдаги ўзгариш даражасини ифодаловчи қисқа

занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

юқумли гепатитда меъда функционал фаолиятини ифодаловчи пепсиноген таркибини, меъда ости беши функционал фаолиятини ифодаловчи панкреатик амилаза, липазани, шунингдек, жигарнинг утилизация қилишдаги ўзгариш даражасини ифодаловчи қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) ўзгаришларига контрикал протеаза ингибиторлари ва гепариннинг терапевтик қўлланилиш таъсирини баҳолаш;

юқумли ва юқумли бўлмаган сурункали гепатитларда меъда ва меъда ости беши фаолиятининг бузилишида қисқа занжирли пептидлар иштирокининг концептуал патогенетик тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек, гепатитларни даволашда холецистокинин-1 рецепторлари антагонист-локсиглумид ва протеаза ингибиторлари нафамостат, гепарин, контрикал таъсир механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2018 йилларда Андижон давлат тиббиёт институтининг вивариум шароитида бўлган тана вазни 180-210 грамм бўлган 274 та оқ наслсиз эркак каламушлар, шунингдек, 20 дан 70 ёшгача бўлган 188 нафар эркак ва аёл беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети: беморларда қонда-Anti-HCV total, Anti-HCV core IgG, Anti-HCV coreIgM, Anti- HCV NS3, Anti- HCV NS4, Anti- HCV NS5; HBV инфекцияси учун: HBs-антигени, HBe – антигени, анти-HBs антитанача, HBe IgG, HBc IgG, HBc IgM, гастрин-17, ХЦК-8, пепсиноген, панкреатик амилаза, панкреатик липаза; жигар синамалари: АЛТ, АСТ билирубин, ишқорий фосфатаза, IgG ва IgM маркерлари ва гепатит антигенлари, ХЦК-8, гастрин-17, IgG, икки занжирли (ds)ДНК , IgG бир занжирли(ss)ДНК, антинуклеар антитанача, умумий иммуноглобулин IgA, IgG; каламушлар декапитациясидан сўнг қонда ИФА усули билан пепсиноген-1 (PG1), ХЦК-8, гастрин-17 аниқлаш; биохимик усулда панкреатик амилаза ва панкреатик липаза, ҳамда жигар пробалари аланин трансминаза (АЛТ), аспартат аминотрансфераза (АСТ) ва умумий билирубин. Меъда ости беши гомогенатида спектофотометрик усулда 180нм оптик зичликда умумий протеолитик фаолликни (УПФ), фотометрик усулда крахмал рангини пасайишига нисбатан 180 нм оптик зичликда амилазани аниқлаш. Меъда шиллиқ қавати гомогенатида спектофотометрик усулда умумий протеолитик фаолликни аниқлаш 180 нм оптик зичликда.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда тажриба, биокимёвий, иммунофермент, клиник ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меъда ва меъда ости беши фаолиятини бошқаришнинг пептидергик механизмларда жигар иштирокининг янги физиологик механизмлари, протеазаларнинг жигарда қисқа занжир пептидлари утилизациясини камайтириш, протеаза ингибиторларининг кучайтириш ҳамда меъда ва меъда ости беши фаолиятини бошқаришда иштироки исботланган;

илк маротаба қисқа занжир пептидлари утилизациясида жигар PAR-2 рецепторлари иштирокида протеаза ва протеаза ингибиторларининг модификацияланган таъсири исботланган;

турли этиологияли гепатитларда жигарда қисқа занжир пептидлари утилизацияси бузилиши ҳисобига меъда ва меъда ости беши фаолияти издан чиқилишининг янги патогенетик механизми, CCL4 томонидан чақирилувчи ўткир ости токсик гепатит моделида қисқа занжирли пептидларининг жигар утилизацияси пасайиши ва меъда ости беши функционал фаолияти ортиши ҳамда ошқозон ҳазм беши фаолиятининг сусайиши исботланган;

контрикал ва гепарин, кўп миқдордаги нафамостат ва локсиглумид таъсирида CCL4 томонидан чақирилувчи токсик гепатит моделида қисқа занжир пептидларининг жигарда утилизацияси ортиши, меъда ости беши функционал фаолияти пасайиши ҳамда ошқозон ҳазм беши фаолиятининг кучайиши исботланган;

илк бор сурункали гепатит қайд этилган беморларда меъда ва меъда ости беши фаолияти бузилишини даволашда протеаза ингибиторлари контрикал ва гепаринни қўллаш самараси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

меъда ва меъда ости беши фаолиятига қисқа занжирли пептидларнинг иштироки тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтирган;

турли этиологияли гепатитларда меъда ва меъда ости беши фаолиятини бузилишига қисқа занжирли пептидлар утилизацияси бузилишини патогенетик аҳамияти баҳоланган;

турли этиологияли гепатитларда протеаза ингибиторларини жигарни қисқа занжирли пептидларини утилизацияси қилишни кучайтириш ва меъда ва меъда ости беши фаолиятини пасайтиришда иштироки таъминланган;

амалий жиҳатдан турли этиологияли жигарнинг сурункали касалликлари босқичидаги беморлар учун янги маълумотли скрининг тест таклиф этилган;

патологик жараёнга етарли даражада кўп ёндош жалб этиладиган органлар сифатида меъда ва меъда ости беши фаолиятининг функционал ҳолатини текшириш йўли билан қонда инкреатирланган овқат ҳазм қилиш гидролазаларини, шунингдек, органлардаги пептидли бошқарувчиларни ХЦК-8 ва гастрин-17ни аҳамияти баҳоланган;

турли этиологияли гепатитларда меъда ва меъда ости беши фаолияти бузилишларини даволашда локсиглумид, шунингдек, протеазанинг сунъий паст молекулали ингибиторларини (нафамостат) ўзига хосликлари ҳамда протеаза ингибиторларини қўллаб даволашни анъанавий негизидаги янги технологияси таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари ва беморлар сонининг етарлилиги, экспериментал, биокимёвий, иммунофермент, клиник ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар

утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволаш натижалари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг назарий аҳамияти инсон ва ҳайвонлар организмда гастрин ва холецистокинин гуруҳдаги пептид гормонлар бир неча молекуляр шаклда иштирок этиши, улар ўн икки бармоқли ичакда жойлашган бўлиб 4 дан 58 аминокислоталар ўзида сақлайди, жигар физиологик шароитида ўзида 10 аминокислота сақлайдиган қисқа занжирли пептид гормонларни 80% утилизация қилиш, меъда ости бези секретор фаолияти пептидергик механизмларида иштироки ҳақидаги тасаввурлари бойитиш, меъда ва меъда ости бези фаолияти бузилишида ҳар турли этиологияга эга гепатитларда қисқа занжирли пептидлар утилизацияси издан чиқишининг патогенетик аҳамияти кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли этиологияли гепатитларда протеаза ингибиторлари иштирокида жигарда қисқа занжирли пептидлар утилизацияси кучайиши ва меъда ва меъда ости бези фаолияти бузилиши камайиши, юқумли этиологияли гепатитли беморларда меъда ва меъда ости бези фаолияти бузилганда гепатитлар комплекс терапиясига протеаза ингибиторлари гепарин ва контрикал қўллаш, беморларда турли этиологияли сурункали касаллик даражалари қайд этилганда кўриқдан ўтказиш учун янги информатив скрининг тести, қонда инкретирланган ҳазм гидролазаларини, пептид бошқарилиши (ХЦК-8 ва гастрин-17)ни аниқлаш йўллари очиб берилган. Анъанавий терапия негизида, турли этиологияли гепатитларда меъда ва меъда ости бези функционал ҳолати бузилишларини даволашда протеаза ингибиторларини қўллаш ва синтетик паст молекуляр протеаза ингибиторлари ҳамда локсиглумиддан фойдаланишнинг янги технологиялари тавсия қилинганлиги, сурункали жигар касалликлари бор беморларда меъда ва меъда ости бези функционал ҳолати кўп ҳолатда патологик жараёнга бевосита боғлиқ орган сифатида эътироф этилганлигини баҳолаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Турли этиологияли жигарнинг сурункали касалликларида меъда ва меъда ости бези касалликларни ташхислаш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 8н-д/97-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома турли вирусли, алкоголь ва аутоиммун этиологияли гепатитларда жигарнинг сурункали касалликлари оқибатида меъда ва меъда ости безининг патофизиологик кўрсаткичларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган касалликларни ташхислаш моделини натижасида самарали даволаш тизимини яратиш имконини берган;

«Турли этиологияли жигарнинг сурункали касалликларида меъда ва меда ости беши касаликлари даволаш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 8н-д/97-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома турли хил этиологик омиллар натижасида юзага келган жигарнинг патологик касалликларини патофизиологик механизмлари орқали ташхислаш натижасида самарали даволаш тизими амалга ошириш имконини берган.

Турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва «Интернист шифо» хусусий шифохонасининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 8н-з/90-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши турли этиологияли жигарнинг сурункали касалликларида меъда ва меда ости беши касаликлари ташхислаш ва даволаш натижасида сурункали HCV ва HBV инфекциялари баҳоланган беморларда пепсиноген-2 кўрсаткичларининг меъерий даражаси белгиланган бўлиб, бу соғлом инсонларнинг кўрсаткичдан паст, ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари эса соғлом одамларнинг кўрсаткичига қараганда нисбатан юқорилиги, меъерий даражадан 2,5 марта ортадиги, протеаза ингибиторлари, жумладан, контрикал ва гепаринни қўллаш меъда ва меда ости беши функционал фаолиятининг самарали қайта тикланиши ва самарали баҳолаш механизми яратишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 167 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги

асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жигар физиология ва патологияси шароитида меъда ва меъда ости безлари секретор фаолиятини бошқариш механизмларини даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида меъда ва меъда ости беши секретор фаолиятининг физиология ва патологияда протеолитик гидролазалар бошқарув ўрнининг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган. Протеолитик гидролазаларнинг бошқарув фаолияти механизмлари, шунингдек, улар фаоллигини тартибга солишда протеаза ингибиторларининг фаолияти ўрганилган. Регулятор пептидлар фаолияти механизмларида протеолитик гидролазалар ўрни таҳлил қилинган. Сурункали жигар касалликларида ошқозон-ичак тракти дисфункцияси ва унда регулятор пептидлар, протеолитик гидролазалар ва протеаза ингибиторларининг ўрнига бағишланган тадқиқотнинг амалий жиҳатлари таҳлил этилган ҳамда тизимлаштирилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тажриба текширув усуллари умумий тавсифи, тадқиқотнинг ҳажми ва тадқиқот усуллари келтирилган. Мазкур иш 180-220 г оғирликдаги 274 та зотсиз оқ эркак каламушларда ўтказилган экспериментал тадқиқот натижаларига асосланган. «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умурткали ҳайвонлар муҳофазаси ҳақида»ги Евроумумий протеолитик фаоллик конвенциясига (Страсбург, 1985) мувофиқ амалга оширилган. Умумий ҳолда 4 серияни ҳар бир гуруҳида 7та дан каламуш, 5 ни серияда 10 тадан каламуш жамланган тажрибалар амалга оширилди. Ошқозон ҳазм безлари секрециясининг, периферик (1-серия) ва портал (2-серия) венага физиологик эритма, қисқа занжирли (Г-5) ва узун занжирли (Г-17) пептидлар, протеазалар (трипсин) ва протеаза ингибиторлари (контрикал); шунингдек, контрикал ва Г-5 комплекси; жигар PAR-2 фаоллаштирувчи сифатида тахмин қилинган трипсин ва Г-5; жигар PAR-2 махсус фаоллаштирувчи гексапептид (SLIGRL) ва Г-5 юборишнинг таъсирини қиёсий ўрганиш амалга оширилди. Шунингдек, меъда ости беши секрециясининг ўзгаришига периферик (3 - серия) ва портал (4- серия) венага физиологик эритма, қисқа занжирли (ХЦК-8) ва узун занжирли (ХЦК-33) пептидлари, протеазалар (трипсин) ва протеаза ингибиторлари (контрикал), шунингдек, контрикал ва ХЦК -8 комплекси, жигар PAR-2 фаоллаштирувчи сифатида тахмин қилинган трипсин ва ХЦК-8, жигар PAR-2 махсус фаоллаштирувчи гексапептид (SLIGRL) ва ХЦК-8 юборишнинг таъсирини қиёсий ўрганиш амалга оширилди.

Бешинчи серияда ҳар бирида 10 тадан 180-220 гр бўлган 50 та оқ зотсиз эркак каламушлар жамланган 5та гуруҳда ўткир ўсти тажрибалар амалга оширилди. 1- гуруҳ (назорат гуруҳи)да физиологик эритма эркак каламушларга 21 кун давомида кун аро ҳайвонларнинг 100 г вазнига 0, 1 мл ҳисобида оғиз орқали юборилди; 2-, 3-, 4- ва 5-гуруҳлар (тажриба гуруҳлари)да углерод тетрахлориди (CCl_4) билан ўткир ости заҳарланиш моделлаштирилган. Бунинг учун CCl_4 эркак каламушларга кунаро оғиз орқали, ҳайвонларнинг 100 г вазнига 0,1 мл нисбатида 21 кун давомида берилди (В.В.Козлова, В.Ф. Репс, М.Е.Котова, 2013). 2 гуруҳ назорат гуруҳи бўлиб, 15 кундан бошлаб физиологик эритма юборилган. 3-гуруҳ (тажриба гуруҳи)да контрикал 25, 000 АТрЕ/кг протеаза ингибитори 15-кундан бошлаб ҳар куни кўшимча равишда қорин ичидан юборилган. 4-гуруҳ (тажриба гуруҳи)да 15-кундан бошлаб ҳар куни контрикал 25 000 АТрЕ/кг протеаза ингибитори ва гепарин 500 МЕ/кг томир ичига юборилган. 5–гуруҳ (тажриба гуруҳи)да 15-кундан бошлаб ҳар куни синтетик паст молекуляр протеаза ингибитори нафамостат 20 мг/кг ва ХЦК-1 рецепторлари антагонисти локсиглумид 10 мг/кг, тана вазнига қараб қорин ичидан юборилган.

Ошқозон безлари секрецияси (Т.М Фалелеева, 2010) бўйича узлуксиз перфузия усули билан ўрганилди. Тадқиқот гексенал анестезия остида ўтказилди: 100 г тана вазнига 0, 3 мл 5% гексенал эритмаси қорин ичига юборилди. Жигар перфузатлари 20 дақиқа оралигида, синов моддаларининг портал ёки периферик венага юборилганидан 40 дақиқа (иккита 20 дақиқалик давр) аввал ёки 40 дақиқа (иккита 20 дақиқалик давр) кейин йиғилади.

Каламушлар ошқозон перфузат таркиби аниқланди: спектрофотометрик усул билан умумий протеолитик фаоллик (УПФ) бўйича протеаза ажралиши, NaOH перфузат титри билан хлорид кислота дебити.(Ю.В.Андреева, 2007) Баҳоланган ошқозон шиллиқ қавати гомогенати таркибида УПФ аниқланди (Ю.В. Андреева, 2007). Меъда ости бези секрециясини ўрганиш уретан анестезия остида ўтказилди: қорин ичига тана вазнининг 1, 1 г / кг ҳисобида,меъда ости бези шираси ЭЧТни аниқлаш учун стандарт шиша капиллярга 20 дақиқада, синов моддаларининг портал ёки периферик венага юборилганидан 40 дақиқа аввал ёки 40 дақиқа (иккита 20 дақиқалик давр) кейин йиғилади. Меъда ости бези шираси ва тўқимаси гомогенати таркибида қуйидагилар аниқланган: спектрофотометрик усул (Л.Н.Смельшева, 2007) билан 180 нм оптик зичликда умумий протеолитик фаолият (УПФ), крахмал рангини камайтириш учун амилазалар фотометрик усулда (Л.Н. Смельшева, 2007) аниқланди. CCl_4 дан заҳарланиш модели белгиланган гуруҳларда 22 куни барча каламушлар декапитация қилинган, шундан сўнг қон зардобиди ИФА усулида қуйидагилар аниқланди: пепсиноген-1 (PG1) (ЗАО «Вектор-Бест», Россия), ХЦК-8 («BCM Diagnostics», США), гастрин-17 (G17) («Biohit», Финляндия). Панкреатик амилаза (ЗАО Вектор-Бест, Россия), панкреатик липаза («HUMAN», Германия), жигар синамалари: аланин трансминазаси (АЛТ), аспартат аминотрансфераза (АСТ) ва умумий билирубин биокимёвий усуллар билан аниқланди. Меъда ости бези тўқималари гомогенати таркиби сифатида умумий протеолитик фаоллик

(УПФ) 180 нм оптик зичликда спектрофотометрик усулда, амилаза крахмал рангини камайтириш оркали фотометрик усул (Л.Н.Смельшева, 2007) билан қайд этилди. Меъда ости беши шиллик қаватининг гомогенати таркибида умумий протеолитик фаоллик (УПФ) 180 нм оптик зичликда спектрофотометрик усулда (Ю. В.Андреева, 2007) аниқланди.

Клиник тадқиқотлар 20 ёшдан 70 ёшгача бўлган 188 нафар эркак ва аёлларда ўтказилди. Улар орасида такқослаш учун соғлом шахслар 1 гуруҳга киритилган, уларда HBV ва HCV инфекциясининг белгилари йўқ, жигар синамалари ва бошқа кўрсаткичлар меъёрда; 2 –гуруҳга HCV серологик маркери текширувида мусбат натижага эга бўлган HCV инфекция ўтказган беморлар ва сурункали HCV инфекцияси қайд этилган беморлар киритилди; шунингдек HBV инфекцияси серологик маркерида мусбат натижага эга бўлган беморлар 3-гуруҳга бириктирилиб, улар таркибига HBV инфекциясини ўтказганлигини тавсифловчи, сурункали HBV инфекциясига кўрсатма берувчи серологик маркер комбинациясига эга беморлар олинган; 4 гуруҳ- аутоиммун сурункали гепатит билан касалланган 6 нафар бемор текширувдан ўтказилди, 5 - гуруҳни ташкил этган 8 нафар сурункали алкоғолли гепатит аниқланган беморлар назоратга олинди.


Текширувдан ўтказилганлар орасида сурункали HBV инфекцияси ва сурункали HCV инфекцияси мусбат серологик маркерига эга беморлар жамланган 6-гуруҳ шакллантирилди, кенг қамровли даволаш таркибига 3 кун давомида 100 мл физиологик эритмага 100 000 бирликда контрикал вена ичига томчилаб юбориш ва бир ҳафта давомида ҳар 8 соатда тери остига 2, 5 минг бирликда гепарин юборилган.

Текширувдаги пациентларда ИФА усули (ЗАО «Вектор-Бест» стандарт тўпламлари, Россия) ёрдамида қон зардобидида қуйидаги HCV маркерлари тадбиқ этилди: Anti-HCV total, Anti-HCV core IgG, Anti-HCV core IgM, Anti-HCV NS3, Anti- HCV NS4, Anti- HCV NS5, HBV инфекцияси учун: HBs-антигени, HBe – антигени, анти-HBs антитанаси, HBe IgG, HBc IgG, HBc IgM аниқланди. Антитаналар концентрацияси оптик зичлик билан ҳисобга олинган (ОЗ-оптик зичлик бирликлари сифим бирлигидаги антитаналар концентрацияси даражаси билан тавсифланади) ва шартли кўрсатма билан ифодаланган (ОЗ). Шунингдек, текширувдаги пациентларда ИФА усули ёрдамида қон зардобидида қуйидагиларни аниқлаш амалга оширилди: (нативли) икки занжирли (ds) ДНК учун аутоиммун Ig G, (денатурлашган) бир занжирли(ss) ДНК учун аутоиммун Ig G, пепсиноген-1 (PG1) ва пепсиноген-2 (PG2) (ЗАО «Вектор-Бест», Россия), ХЦК-8 («BCM Diagnostics», США), гастрин-17 (G17) («Biohit», Финляндия), RNP-70, RNP/Sm, Sm, SS-A, SS-B, Scl-70 антигенларига антинуклеар антитаналар, центромер В, Jo-1 Orgentec Diagnostika GmbH (Германия), (SLA/LP) IgG AESKU DIAGNOSTICS GmbH (Германия) жигар эрувчан антигенига антитана, умумий иммуноглобулинлар IgA, IgG («ХЕМА», Россия). Панкреатик амилаза (ЗАО «Вектор-Бест» стандарт тўпламлари, Россия) ва панкреатик липаза («HUMAN», Германия) биокимёвий усуллар ёрдамида аниқланди. Барча беморларда, шунингдек, биокимёвий усулларда жигар

синамалари текширилди: аланин трансминазалар (АЛТ), аспартат аминотрансфераза (АСТ), умумий ва тўғридан-тўғри билирубин, ишқорий фосфотаза (ИФ), глутамилтранспептидазалар (ГТП) (ЗАО «Вектор-Бест»).

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган холда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Меъда ва меъда ости безларида овқат ҳазм қилишни бошқариш механизмларига жигарни модификацияловчи таъсири**» номланган учинчи бобида меъда ва меъда ости бези секретор фаолиятига қисқа занжирли ва узун занжирли пептидларнинг модификацион таъсирини ўрганиш жараёнида қисқа занжирли Г-5 гастринининг жигардан ўтаётганда меъда ширасининг миқдори ва умумий кислоталикнинг сезиларли пасайиши кузатилди. Бироқ, ошқозоннинг ферментларни чиқарадиган фаоллиги кўрсаткичларининг аниқ, аммо шубҳали пасайиши кузатилди (умумий протеолитик фаоллик, УПФ кўрсаткичлари). Бунда узун занжирли Г-17 гастрини жигардан ўтаётганда, меъда шираси, умумий протеолитик фаоллик ва умумий кислоталик кўрсаткичларининг бир оз пасайиши кузатилди (1-расмга қаранг)




Изоҳ: +физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичлар ишончилиги; о– периферик венага пентгстринни киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи.

1-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) 0, 3 мл физиологик эритма, пентагастрин Г-5 (0, 1 мкг/кг) ва гастрин Г-17(0, 28 мкг/кг) юборилганда меъда секреция кўрсаткичларини ўзгариши

Шунингдек, қисқа занжирли ХЦК -8 пептидининг жигардан ўтишида умумий протеолитик фаоллик ва панкреатик амилазанинг сезиларли пасайиш содир бўлиши аниқланди. Шу билан бирга, узун занжирли ХЦК-33 пептиди жигардан ўтаётганда меъда ости бези секрецияси, умумий протеолитик фаоллик ва амилаза кўрсаткичларининг аҳамиятсиз пасайиши кузатилди. Ушбу маълумотлар жигарнинг каламушларда узун занжирли пептидларни эмас, балки қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишда иштирок этишини ва бу механизм туфайли меъда, ҳамда меъда ости бези фаолиятини тартибга солишининг пептидергик механизмларида иштирок этади деган


тахминни тасдиқлайди. (2-расмга қаранг). Трипсиннинг жигар томонидан қисқа занжирли Г-5 ва ХЦК-8 пептидларини утилизация қилинишидаги ўзгаришига таъсирини ўрганишда, трипсиннинг Г-5 билан биргаликда периферик венага юборилиши меъда ширасининг фақат Г-5 ни киритганларга нисбатан сезиларли ортишига олиб келганлиги аниқланди. Шу билан бирга, трипсиннинг Г-5 билан биргаликда портал венага юборилиши меъда секрециясининг барча кўрсаткичларининг фақат Г-5 ни юборишдаги кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ортишига олиб келди.



Изох:+ физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи; 0-периферик венага ХЦК-8 киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи.

2-расм.Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, ХЦК-8 (0, 15 мкг/кг) , ХЦК-33– (0, 56 мкг/кг) ва секретин(0, 15 мкг/кг) юборилганда меъда ости бези секреция кўрсаткичларини ўзгариши.


Бундай ҳолда, трипсиннинг ХЦК-8 билан бирга периферик венага юборилиши, фақат ХЦК-8 ни юборишдаги кўрсаткичларга нисбатан, ошқозон ости бези барча кўриб чиқилган параметрларининг сезиларсиз ўсишига олиб келди. Шунга қарамай, трипсиннинг ХЦК-8 билан бирга портал венага юборилиши, фақат ХЦК -8 ни юборишдаги кўрсаткичларга нисбатан, ошқозон ости бези барча кўриб чиқилган параметрларининг сезиларли ўсишини таъминлади.(3-расмга қаранг).



Изоҳ:*-пентагастрин киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи;0–физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи;+-периферик венага пентагастрин киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари.

3-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, пентагастрин Г-5(0, 1 мкг/кг) ва трипсин биргаликда юборилганда меъда секреция кўрсаткичларини ўзгариши.

Г-5 ва ХЦК -8 қисқа занжирли пептидларининг жигар томонидан утилизация қилинишида контрикал протеаза ингибитори таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, контрикалнинг Г-5 билан биргаликда периферик томир ичига юборилиши, фақат Г-5 нинг киритилиши билан боғлиқ бўлган меъда ширасининг қайд этилган барча кўрсаткичларининг сезиларсиз пасайишига олиб келди. Бундай ҳолда, контрикалнинг портал венага Г-5 билан биргаликда юборилиши периферик венага юбориш билан солиштирилганда, меъда ширасининг қайд этилган барча кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайишига олиб келди(4-расмга қаранг).




Изоҳ:*-пентагастрин киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари;+-физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари; 0–периферик венага пентагастрин киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари

4-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, пентагастрин Г-5(0, 1 мкг/кг), контрикал алоҳида ва пентагастрин Г-5(0, 1 мкг/кг) ва контрикал биргаликда юборилганда меъда секреция кўрсаткичларини ўзгариши

Контрикалнинг ХЦК -8 билан биргаликда периферик венага юборилиши меъда ости беши ширасининг фақат ХЦК -8 ни юборилишида аниқланган кўрсаткичларига нисбатан сезиларсиз пасайишига олиб келди. Шу билан бирга, контрикалнинг ХЦК -8 билан биргаликда портал венага юборилиши барча ХЦК -8 юборилган ҳолдаги кўрсаткичларга нисбатан аниқ ва сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатди. Олинган маълумотлар ошқозон-ичак тракти ва жигар ўртасидаги муносабатларнинг физиологик механизми мавжудлигини тасдиқловчи яна бир далилдир, протеаза ингибиторлари, бу ҳолда контрикал, мавжуд механизмларни ўзгартиришда иштирок этувчи омил бўлиши шубҳасиздир.(5-расмга қаранг). Трипсин фаоллаштирувчи PAR-2 активатори ва гексапептид- SLIGRLнинг синтетик селектив PAR-2 фаоллаштирувчи таъсирини қиёсий баҳолаш меъда секрециясини ўзгаришида

Г-5 ва меъда ости беzi ўзгаришида ХЦК-8 нинг жигар томонидан утилизациясига монанд таъсир кўрсатди. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, гексапептид PAR-2 нинг селектив агонисти бўлганлиги сабабли, қисқа занжирли пептидларнинг жигарда утилизациясини кучайтиришга, меъда ва меъда ости беzi функционал фаоллигини оширишга трипсиннинг аналогик таъсири PAR-2 иштирокидаги бир хил механизмларни кўрсатиши мумкин.



Изох:+физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи; 0–периферик венага ХЦК-8 киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи.

5-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, контрикал, ХЦК-8, ХЦК-8 – холецистокинин (0, 15 мкг/кг) контрикал 25 000 АТрЕ/кг ни билан биргаликда юборилганда меъда ости беzi секреция кўрсаткичларини ўзгариши.

Бу жигарнинг PAR-2 орқали трипсин жигарда қисқа занжирли пептидлар утилизациясини камайтиради ва унинг меъда безларига таъсирини оширади.

Тажриба натижаларига кўра, каламушларда жигарнинг CCl_4 билан ўткир заҳарланиш моделида қонда амилаза, липаза ва ХЦК -8 даражаси ошганлиги қайд этилди. Ушбу натижалар ошқозон ости безининг функционал фаоллиги ошганлигини кўрсатади, бу ошқозон ости беzi тўқималари гомогенати таркибида амилаза ва умумий протеолитик фаоллик кўпайиши билан ҳам тасдиқланади. Бундан ташқари, қонда пепсиногеннинг сезиларли даражада камайиши ва гастрин-17 кўрсаткичининг ортиши меъда ҳазм безлари фаолиятининг пасайишига ишора қилади, бу эса ошқозон шиллиқ қавати гомогенатидаги умумий протеолитик фаоллик миқдори камайиши билан изоҳланади. Ушбу ўзгаришларнинг сабаби қонда ХЦК -8 концентрациясининг сезиларли даражада ортиши бўлиши мумкин, бу эса унинг CCl_4 билан ўткир заҳарланиши таъсири остида жигарда утилизация қилинишининг пасайиши натижасидир.

Каламушларда ўтказилган тажрибаларда контрикал ва гепаринни CCl_4 ўткир ости заҳарланиши фонида юбориш билан уларни юбормасдан амалга оширилган тажрибалар таққосланган. Қон таркибидаги амилаза ва липаза

кўрсаткичларининг пасайиши меъда ости беши функционал фаоллигининг пасайишини англатади, бу ошқозон ости беши тўқималарининг гомогенати таркибидаги амилаза ва умумий протеолитик фаолликнинг оз миқдорда пасайиши билан, шунингдек қондаги ХЦК-8 нинг ишончли даражада пасайиши билан ифодаланади. Бунда қон таркибида пепсиноген-1 нинг ишончли ортиши ва гастрин-17 кўрсаткичининг ишончли пасайиши, шунингдек, ошқозон шиллиғи гомогенати таркибидаги умумий протеолитик фаолликнинг ортиши ошқозон ҳазм безлари фаолиятининг кучайишини кўрсатиши мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўткир ости токсик гепатитда ҳисобга олинган кўрсаткичлар

| Зардоб маркерлари | 1 гуруҳ назорат | 2 гуруҳ токсик гепатит | 3 гуруҳ токсик гепатит + контрикал | 4 гуруҳ Токсик гепатит + контрикал ва гепарин | 5 гуруҳ токсик гепатит + нафамостат ва локсиглумид |
|--|-----------------|------------------------|------------------------------------|---|--|
| Жигар синамалари | | | | | |
| АСТ (ммоль/с*л) | 0,56±0,08 | 1,07±0,1* | 0,71±0,08** | 0,63±0,07** | 0,57±0,06** |
| АЛТ (ммоль/с*л) | 1,07±0,13 | 1,93±0,17* | 1,35±0,14** | 1,21±0,11** | 1,13±0,09** |
| умумий билирубин (мкмоль/л) | 3,9±0,5 | 9,2±1,2* | 6,3±0,4** | 4,8±0,3** | 4,2±0,6**+ |
